



ЎТГАНЛАРНИ ХОТИРЛАШ, КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — БИЗНИНГ ФАРЗАНДЛИК БУРЧИМИЗДИР

Президентимиз Ислон Каримов ташаббуси билан 9 май — Хотира ва қадрлаш куни мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонланмоқда

Хотира — ўтганларни эслаб туради, ўзлини англатади. Қадр — инсонни улуғлайди, жамиятни безайди. Хотира ва қадрлаш куни мазмун-моҳиятида ана шундай эзгу тамойиллар мужассам.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик ва бағрикенглик мустақам қарор топди. Катталарга ҳурмат, кичикларга иззат, меҳроқибат туйғулари одамлар қалби ва шууридан чўқур жой олди. Ақдодлар хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш, бугун сафларимизда юрган, элу юрт тинчлиги ва равнақи йўлида хизмат қилган кексаларни эъзозлаш маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди.

Нуронийларнинг саломатлигини мустақамлаш, ҳаётини мазмунли қилиш, кўнглини кўтариш йўлида амалга ошириб келинаётган ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 13 октябрдаги «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида асосан уларни ижтимоий ҳимоялаш кўлами янада кенгайди. Хусусан, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари йилига бир марта санаторий-соғломлаштириш муассасаларида бепул даволаниш имкониятига эга бўлди.

Президентимиз ташаббуси билан 2015 йил мамлакатимизда Кексаларни эъзозлаш йили, деб номланди. Шу муносабат билан қабул қилинган Давлат дастури доирасида ёши улғу инсонларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини янада яхшилаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш кўламини кенгайтириш, тизимли асосда соғломлаштириш каби хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 19 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медалли билан мукофотлаш тўғрисида»ги ҳамда 6 мартдаги «1941-1945 йиллардаги уруш қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида»ги фармонлари кексаларимизга кўрсатилган эъзоз ва эътиромнинг мантиқий давоми бўлди. Маъмур фармонларга мувофиқ уруш қатнашчилари ва ногиронларига юбилей медаллари, пул мукофотлари ва байрам совғалари тантанали равишда топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 14 апрелда қабул қилинган «Кексаларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва моддий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони нуронийларимизга қўшимча рағбат, катта руҳий мадад бўлди.

Бу йил Хотира ва қадрлаш куни Кексаларни эъзозлаш йилида нишонланаётгани унинг аҳамиятини янада оширмоқда. Байрам «Жасорат, бurch, матонат» шиори остида кенг нишонланмоқда.

9 май. Пойтахтимиздаги Хотира майдони ҳар қачонгидан гавжум. Бу ерга уруш ва меҳнат фахрийлари, сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, ҳарбийлар, жамоатчилик вакиллари ташиф бўриди.

Майдон узра маъзун мусика таралади.

Соат 14:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов кириб келди.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий оркестр садолари остида Мотамсаро она хайкали пойига гулчамбар қўйди.

Президентимиз Иккинчи жаҳон урушида жон фидо қилган юртдошларимиз хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

— Бугун Ватанимиз, халқимиз Улуғ Ватан урушида фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 70 йиллигини кенг нишонланмоқда, — деди Ислон Каримов оммавий ахборот воситалари вакиллари билан суҳбатда. — Ана шу буюк сана билан аввало урушда қатнашган,

мардлик ва жасорат кўрсатган барча уруш фахрийларини, шулар қаторида фронт ортида фидокорона меҳнат қилган юртдошларимизни, бутун халқимизни табриклаш, уруш майдонларидан қайтмаган, бугунги мусаффо осмонимиз учун жон берган ватандошларимиз хотираси олдида бош эгиш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Бугун ҳеч кимга сир эмас: миллион-миллионлаб одамлар ҳалок бўлишига сабаб бўлган, мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар олиб келган бу уруш инсоният тарихидаги энг даҳшатли, энг қонли қирғин бўлганини бу дунёда ҳеч ким унутмайди. Ва фашизм устидан қозонилган ғалаба нақадар қимматга тушганини юртимизда яшаётган ҳар қайси оила, ҳар қайси одам яна ва яна бир бор англаши, қалбидан ўтказиши табиийдир, деди давлатимиз раҳбари.

Ўзбекистонда ўша пайтда 6,5 миллион халқ яшаган бўлса, шунинг 1,5 миллиондан кўпроғи урушда қатнашганининг ўзи, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, барча эркаклар, мардларимиз қўлга қурол олиб, ягона душманимизга қарши чиққанидан далолат беради.

Қарийб ярим миллион юртдошимиз шу урушда ҳалок бўлгани, қанча-қанчаси ногирон, майиб-мажруҳ бўлиб қайтгани, қанча-қанча аёллар бева, болалар етим бўлиб қолганини ҳар қайси оила ҳали-бери эсидан чиқармайди. Бошқача қилиб айтганда, юртимизда бирорта хонадон йўқки, ана шу муҳиш урушнинг жабрини ўз бошидан ўтказмаган бўлса.

Халқимиз айна шундай оғир вазиятда кўни — қун, тунни — тун демасдан, машаққатли меҳнат қилиб, фронт учун, ғалаба учун муносиб ҳисса қўшгани ҳеч эсимиздан чиқмайди, деб таъкидлади Президентимиз.

Уруш бошланиши билан фронт ҳудудларидан Ўзбекистонга қўчирилган 1 миллионга яқин оила ва болаларни эл-юртимиз қабул қилгани, охириги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам қургани, «Сен етим эмассан» деб, уларнинг барчасини ўз бағрига олиб, нафақат бошпана бергани, ўз қалбини очиб, меҳр-муруват кўрсатганини унутиб бўладими ўзи?!

Ҳар қайси халқнинг одамийлиги ва маънавий қадриятлари, меҳроқибат ва олижаноблиги ана шундай унутилмас дамларда аққол намоён бўлади, десам, айна ҳақиқатни айтган бўламан.

Бизнинг ота-боболаримиз бешафкат жанг майдонларида мардлик ва матонат кўрсатгани учун уларнинг 338 нафари Совет Иттифоқи Қахрамони унвонига сазовор бўлгани, минг-минглаб юртдошларимиз жанговар орден ва медаллар билан тақдирлангани — буларнинг барчасини халқимизнинг фашизмга қарши курашда кўрсатган жасорати ва ботиригидининг амалий намоиши деб биламиз.

Вақт ўтади, замонлар ўтади, деди Ислон Каримов, лекин Ватан озодлиги ва эркинлиги, эл-юртимизнинг тинч ва осуда ҳаётини ҳимоя қилишда курашиб жон берган ўғлонларининг номлари ва хотираси кўпни кўрган, ҳеч қачон ёвуз душман олдида бош эгмаган халқимизнинг ёдида умрбод, абадий сақланади. Бу фазилат эл-юртимизнинг эзгу одатига, қадриятига айланиб кетган.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, бундан 17 йил олдин 9 май — Ғалаба кўнига юртимизда Хотира ва қадрлаш куни деб ном бериб, нақадар тўғри иш қилганимизни вақт ўтиши билан бугун ҳаётнинг ўзи тобора тасдиқлаб бermoқда.

Бунинг аққол ифодасини пойтахтимиз Тошкент шаҳрининг марказида ва жойларда барпо этилган Хотира майдонлари айна шу кўнларда урушдан қайтмаганларни эслаш, уларнинг хотираси, арвоқлари олдиди бош эгиш учун келган ёшу қарилар, аҳолимиз ва чет эллик меҳмонлар билан гавжум бўлганида кўриш, кузатиш мумкин.

Бу ҳақда сўз юритганда, энг аввало бизнинг эътиборимиз марказида турган энг шарафли вазифамиз — урушда қатнашган, бугун сафимизда бўлган, ҳар қадамда бизни қўллаб-қувватлаб келадиган фахрийларимиз ҳақида алоҳида гап-лаш олишимиз зарур, деб биламан.

Ўйлайманки, ҳаммамиз яхши биламиз — биз яшаётган ҳаёт —

ўз юртини, туғилган тупроғини муқаддас деб билиши, унинг эртанги ёруғ кўни учун бутун борлигини бағишлашга, керак бўлса, жонини фидо қилишга тайёр бўлиши — буларнинг барчаси бугун ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ёшларимиз ҳаётининг узвий бир қисмига айлانган ҳаммамизга ишонч ва куч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Блокка қўшилмаймиз, Ўзбекистон ҳудудида чет эл ҳарбий базаларининг жойлашувига, ҳарбий хизматчиларимизнинг мамлакатимиз ташқарисиди бўлишига йўл қўймаслигимиз зарур, деб ҳисоблаймиз.

Биз бугун, ҳақиқатан ҳам, қандай гўзал, бетакрор заминда яшаймиз. Шу маънода, «Биз кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?» деган саволни олдимизга қўйиб, ҳозир-



Бу оқар дарё, дейди халқимиз. Яъни, бошқача айтганда, бу дунё ғанимат эканини эсимиздан чиқармасдан, бешафкат урушда қатнашган, фронт ортида ўзини аямасдан меҳнат қилган ватандошларимизни қадрлаш, эъзозлаш, умрини узайтириш, уларни эслаб, ҳолидан хабар олиш, руҳини кўтариш — бундай эзгу ишлар барчамизнинг энг олижаноб бурчимиз бўлиши шарт.

Бу аввало раҳбарларнинг, вазифада ўтирганларнинг бурчи эканини, улар фахрийлар билан тез-тез учрашиб туриши, илоҳи бори-ча уларнинг ҳаётидаги муаммоларнинг ечимини топиши, бундай амалий эътиборнинг аҳамиятини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги зарур, деди Юртбошимиз.

Бу борада Кексаларни эъзозлаш йили, деб ном олган жорий йилда, жумладан, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан мамлакатимизда қандай кенг қўламли, катта чора-тадбирлар амалга ошириладиганини халқимиз, аввало ҳурматли фахрийларимиз яхши биладилар.

Лекин ҳаёт дегани муаммосиз бўлмайди. Шу маънода, ёши улғу инсонларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларнинг тиббий, маиший шароитларини янада яхшилаш биз учун доимо долзарб вазифа сифатида туриши даркор.

Инсон, халқ, миллат тарихий хотира билан тирик ва барҳаётдир.

Ҳеч шубҳасиз, Улуғ Ватан урушида барча халқлар билан бирга бўлиб, фашизм балоси устидан қозонган Ғалабамизни, бу урушда халқимиз кўрсатган матонат, мардлик ва қаҳрамонлик намуналарини авлодларимиз асло унутмайди, жанг майдонларида бизнинг ўғлонларимиз нимага қодир эканини доимо гурур ва ифтихор билан эслайди, деди Ислон Каримов.

Шу борада биз ҳаётимизнинг бир ҳақиқатини ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимиз керак. Ана шу бешафкат урушда, жанг майдонларида қурбон бўлган ота-боболаримиз қандайдир тепалик ёки қандайдир «улуғ дохий» учун эмас, аввало, ўз юрти, ота-онаси, севган ёри, фарзандлари учун жон берган, «Қани энди, юртимни, ўзимнинг азизларимни яна бир бор қурсам», деб ҳаётдан қўз юмган, десак, ҳеч қандай хато бўлмайди.

Мана шундай ўз юртини севиш, бетакрор она Ватанига садоқатли бўлиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган фазилат, десам, адашмаган бўламан.

Истиқлол даврида туғилиб voyага етган, мустақил ва янгича фикрлайдиган, буюк мақсадлар сари интилаётган фарзандларимиз ота-боболаридан мерос бўлиб қолган

Мана шу даҳшатли уруш ҳаёлимиздан ўтар экан, ана бир ҳақиқатни айтмасдан ўтишга ҳаққимиз йўқ.

Гап бошимиздан кечирган қонли ва бешафкат уруш бошқа ҳеч қачон қайтмаслиги, бундай фоҳиша ва қирғинларнинг олдини олиш ва улардан одамзодни асраш ҳақида кетмоқда.

Бугун бир фикрни ҳеч иккиланмасдан айтиш керак: бизнинг халқимиз кўпчилик халқлар қатори нимани истайди, нимани хоҳлайди — бизга тинчлик керак, бизга омонлик керак! Эртанги кунимиз ёруғ, осмонимиз мусаффо бўлсин, барчамиз ўз орзу-ниятимизга етайлик!

Бизга, қолаверса, ер юзидида барча халқларга ана шундай, бир қарашда жуда оддий, лекин аниқ нарсалар керак!

Аммо, минг афсуски, деб таъкидлади Президентимиз, бунинг ўрнига бугун шиддат билан ўзгартириб, тобора кескинлашиб бораётган дунёда, узок ва яқин атрофимизда бунга тескари воқеалар, вазият хатарли тус олмақда ва барчамиздан бепарволикка йўл қўймасдан, доимо оғох, сезгир ва ҳушёр бўлишни замонамизнинг ўзи талаб қилмоқда.

Жаҳоннинг турли минтақа ва ҳудудларида қарама-қаршилик ва зиддиятлар, қонли моҳаролар, халқаро терроризм, экстремизм, наркотрафик каби хавф-хатарлар тобора кўнайиб бормоқда, фашизм деган бало яна бош кўтармоқда, миллатчилик, шовинизм сингари офатлар майдонга чиқмоқда.

Бутун инсониятни ташвишга солаётган бундай мураккаб шароитда барча тинчликсевар кўчларнинг саъй-ҳаракат ва имкониятларини ягона мақсад йўлида сафарбар этиш, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик кенгаши ва бошқа нуфузли халқаро институтларнинг ўрни ва таъсирини кўнайитириш янада муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тобора кескинлашиб бораётган бундай вазиятда, таҳдид ва хатарларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг Ўзбекистонимиз олиб бораётган сиёсат халқимизга яхши маълуф. Яъни, биз узок ва яқин атрофимиздаги барча давлатлар, биринчи навбатда, қўшни мамлакатлар билан дўстона муносабатлар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустақамлашни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз, деб биламиз.

Биз дунёнинг турли ўлкаларида давом этаётган зиддият ва қарама-қаршиликларни фақатгина сиёсий йўл билан, тинчлик йўли билан ҳал этиш тарафдоримиз, деди давлатимиз раҳбари.

Биз ҳар қандай ҳарбий-сиёсий

ИНСОН ҚАДРИ УЛУҒ, ХОТИРАСИ МУҚАДДАС

■ Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташаббуси билан Уруш ва меҳнат фахрийлари республика пансионатида 9 май — Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан байрамона тадбир ўтказилди.

Сиз кўрсатган жасорат ҳеч қачон унутилмайди

Пансионатда 60 ёшдан 100 ёшгача бўлган 150 нафардан ортик нуроний кишилар истиқомат қилади. Уларнинг аксарияти қўлга қурол олиб, фашизм балосига қарши жанг қилган, жасоратлар кўрсатган, фронт ортида оғир меҳнат қилиб, ғалабага муносиб ҳисса қўшган отахон ва онахонлардир.

Аввало, ушбу масканда партия фаоллари, «Истикбол» ёшлар қаноти етакчилари иштирокида хашар ташкил этилди. Пансионат атрофи тозаланиб, ободонлаштирилди. Айтиш керакки, бундай хайрли ишлар мамлакатимизнинг барча туман ва шаҳарларидаги ёлғиз кексалар, уруш ва меҳнат фахрийлари хонадонларида партия ташкилотлари томонидан уюштирилди.

► Давоми 2-бетда.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Фуқаролик суди фаолиятида

электрон ҳужжат алмашинуви кенг йўлга қўйилиши белгиланмоқда

■ Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон ХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонун лойиҳалари қизғин муҳокама этилди.

Дастлаб «Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Фракция аъзолари фуқаролик ишлари бўйича судга муурожаат қилиш тартибини соддалаштириш муҳим масала экани таъкидлашди. Муурожаат ва унга илова қилинадиган ҳужжатлар электрон шаклда юборилиши судларда иш юритиш тизимини тақомиллаштириш билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда ҳам ўзига хос ўрин тутди.

► Давоми 2-бетда.

Ёшлар нуронийларни йўқлаб боришди



Тошкент вилояти Зангиота тумани «Қирғузар» маҳалласида истиқомат қилувчи Қобил ота Мухаммедов одатдагидек тушликдан сўнг дархот соҳисиди супада олисларга қараганча ўтган умрини сарҳисоб қилиб ўтирган эди. Бирдан дарвоза тақиллади. ЎзХДП Марказий Кенгаши «Истикбол» ёшлар қанотининг бир гуруҳ фаоллари, коллеж ўқувчиларини кўриб, унинг хечраси ёришиб кетди.

Отахоннинг файли хонадониди ёшлар дархол хашарга киришиб кетишди. Томорқадаги ерни юмшатиш, супир-сидир ишлари қизгин суҳбатлар билан давом этди. Ҳар бир йигит-қиз Қобил отага бирин-кетин савол беради, тарихнинг машаққатли қўнларига гувоҳ инсоннинг сўзларидан гоҳ маънос тортиб, гоҳ хайратланишар эди.

— Ҳар тонг мусаффо осмон, чароғон қуёшни кўриб, тинчлик ва осуда ҳаётимиз учун шукроналар келтираман, — дейди Қобил Мухаммедов. — Байрам арафасида ўғил-қизларим, маҳалла-қўй билан бўлиб ўтадиган дийдор онлари қалбимни тўлқинлантиради. Ёшлардаги шижоат, меҳнатсеварлик ва ташаббускорликни кўриб, тинчлик учун курашганимдан фахрланаман. Улар билан кечган ширин суҳбатлар менга куч беради, ҳаётга иштиёқимни оширади.

«Истикбол» ёшлар қаноти фаоллари шу кун ушбу маҳаллада яшовчи Собир ота Мусаев, Тожибой ота Азизов оиласида ҳам бўлишди. Уларнинг хонадонлари ободонлаштирилиб, совға-саломлар улашилди. Маҳалла гузариди икки авлод учрашуви ҳам ўтказилди.

Сиз кўрсатган жасорат ҳеч қачон унутилмайди

Уруш шундай балоки, унинг жароҳатини танадан ўчириш мумкин, аммо қалбдан кетказиб бўлмайди. Сипо кийинган отахон ва онахонларнинг юзларида нур кўринса-да, уларнинг аччиқ қисмати кўнгилга оғир ботади. Аслида ҳеч биримиз тинчликнинг қадрини улар каби ҳис қилмасак керак.

ЎзХДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидаги партия гуруҳи раҳбари Хайдар Бобохонов йиғилганларни Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги билан кутлар экан, жанг майдонларида жонини фидо қилган юртдошларимиз ёди қалбларда мангу сақланиб қолажагини таъкидлади.

— Мустақиллик йилларида уруш қатнашчилари ва фронт орти фахрийларига, умуман, ёши улуг кишиларга ҳар қачондан катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда, — деди у. — Катта-кичик давраларда, тўй-ҳашамларда халқимиз азал-азалдан кексаларнинг ҳурматини жойига қўяди, уларнинг ҳаётини тажрибаси, маслаҳат ва насиҳатларига таяниб иш тутади. Халқ демократик партияси ҳам ана шу эзгу қадриятларга таянган ҳолда, шу билан бирга, дастурий мақсадларига мувофиқ тарзда кексаларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, турмуш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Партиямиз Сайловолди дастурида ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича муҳим вазифаларни илгари сурди. Жойларда депутатлар, партия фаоллари амалий ташаббуслар билан чиқишга, хусусан, ёши улуг кишиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга интиломоқда. Уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийларига қулай шароит яратиб беришга қаратилган қонунлар, қарор ва фармонлар мутасад-

ди муассасалар томонидан қай даражада ижро этилаётгани, кексаларга қандай хизмат кўрсатилаётгани каби масалалар партиямиздан сайланган депутатларнинг назоратида.

Бугунги кунда тарихчи олимлар, таниқли сиёсатчи ва мутахассислар Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг инсоният тарихидаги аҳамиятини гоёт юксак баҳоламоқда. Бу воқеа Ер шаридаги замонавий тараққиёт қафолатларини таъминлаган асосий омил сифатида таърифланмоқда. Фашизм балоси дунёни эгаллаб оладиган бўлса, жаҳон сиёсий ҳаритасидаги ҳолат, халқлар тақдири нима бўлиши мумкинлиги ҳақидаги оний тасаввур ҳам одамда даҳшат уйғотади.

Нигоҳларида ўша машъум уруш сурони қотиб қолган, мушдек жони билан фронт ортидаги заҳматларга чидаб, бугунги кунларга етиб келган нуруний инсонларга бир-бир назар солар экансиз, уларнинг қиёфасида қаҳрамонлар, фақат қаҳрамонларни кўрасиз. Тадбирда сўзга чиққанларнинг ҳар бири осойишта ҳаёт, буёқ жасорат учун уларга чексиз миннатдорлик билдиришди.

Ташкилотчилар ва ҳомийлар совгалар улашгач, пансионатда маърифий дам олиш дастури намойиш этилди.

Тўхтамурод Жўраев, фронт орти қатнашчиси, 85 ёш:

— Болам, мен-ку тинч замонларга эсон-омон етдим. Аммо қажатчиликнинг қора нонини бирга баҳам кўрган дўстларимга бу кунларга етиб келиш насиб этмади. Уларни ҳам шу даврада бўлишни, тўкин дастурхон атрофида ўтириб, уйин-кулгу қилишларини истар эдим. Улар бунга лойиқ эди. Иккинчи жаҳон уруши авжига 15 ёшда эдим. Босмаҳонадаги оғир меҳнат эвазига кун кўрдим. 20 соат ишлаб, 4 соат дам олардик. Бир кунлик насибамиз 400

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳамюртларимизнинг ёши улуг инсонларга бўлган эҳтироми юксак экани яна бир бор намоён бўлди



Санжар ШОТУЛАНОВ олган суратлар.

грамм қора нон эди. 1943 йилда дадамни армияга олиб кетишди. Бир йил ўтмай онамдан айрилдим. Оилада ёлғиз ўғил эдим, ҳеч кимим қолмади. Ҳамма нарсга ғалаба ва фронт учун эди. Душмандан нафратланар эдик. Ёш бўлсак-да, урушга олиб кетинг, жанг қиламиз, деб қайсарлик қилганим ёдимда. Очиқ ва етишмовчилик силламизни қуритганди.

1956 йилда армияга қақирилдим. Хизматдан қайтгач, уйландим. Турмуш ўртоғим билан 40 йил бирга яшадик. Тақдир экан, фарзандимиз бўлмади. 10 йил аввал умр йўлдошимдан айрилдим. 8 йил ёлғиз яшадим. Кўзим хираллашиб қолгач, бу ерга келдим. Худода шукр, ҳамма шароит бор. Пансионат ходимлари меҳрибон, ширинсўз...

Отаҳоннинг сўзларига йиғи аралашди. У жим бўлиб қолди. Ҳаёлимда қуйдаги сўзлар айланди:

Нега қаддинг эгик, нега бошинг ҳам, Нега нигоҳингнинг тортади тупроқ. Менинг ер устида танишларим кам, Менинг ер остида дўстларим кўпроқ.

Уруш — ўз номи билан уруш. Тарих юртдошларимизнинг жасорати ва матонатини ҳеч қачон ёддан чиқармайди.

Пансионатда ким билан сўзлашманг, ҳар бири ҳақида тўлиб ёзгингиз, жасорат ва матонатини бошқаларга ибрат қилиб кўрсатгингиз келади.

Саидмахмуд НИШОНОВ:

— Мен урушни ҳар гал эслаганимда ўлим манзараларидан даҳшатга тушаман. Оёғимга теккан осколка ўрни симиллаб оғрийди. Шукрки, бугун тинч-осойишта яшаймиз. Баъзан кимнингдир рўзгор кам-кўстларидан нолиётганини эшитсам, фиғоним ошади. Ҳозирги кунларнинг қадрига етмаслик ношукрчилик бўлади.

Феруза ИНОҒОМОВА, олий тоифали шифокор:

— Бу ерда кексаларимиз ҳар кун икки мартадан тиббий кўрикдан ўтказилади. 12 нафар ҳамшира эрта-ю кеч уларнинг хизматида. Биз кексаларимизга йўлдош борица хушмуомала бўлишга, уларнинг кўнглини кўтаришга ҳаракат қиламиз. Пансионатимиз ҳар кун меҳмонлар билан гавжум. Айниқса, ЎзХДП ташкилотлари, депутатлар тез-тез

келиб, турли тадбирлар ўтказишади.

Бу ерда уруш даҳшатларига гувоҳ бўлган, беғубор болалиги ғам-ташвишлар ичида ўтган кексалар ҳаёт кечиряпти.

Президентимизнинг 2014 йил 13 октябрда қабул қилинган «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида биноан ёши улугларимизга тиббий ҳамда ижтимоий хизмат кўрсатиш даражаси янада оширилиб, фахрийлар ва ёши улуг инсонлар саломатлигини мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратилмоқда. Бундай хайрли ишлар Кексаларни эъзозлаш йилида янада кўпаяди, янгича маъно-мазмун билан бойийди, албатта.

Уруш асоратлари асрлар ўтсада унутилмайди. Бу урушдан республикамизнинг ҳар бир оиласи бошига қайғу тушган. Ўтганларни хотирлаш, фахрийларга тиргак ва суняч бўлиш бизнинг инсоний бурчимиздир.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

◀ Давоми. Бошланиши 1-бетда.

■ Тошкент шаҳрининг «Шахристон» маҳалласида истиқомат қилувчи олий тоифали шифокор Шухрат Эргашев 39 йил тиббиёт соҳасида меҳнат қилди. 1-шаҳар клиник шифохонаси, Фанлар академиясининг Марказий шифохонаси, Миробод соғлиқни сақлаш бошқармаси, бир қатор оилавий поликлиника, шифохоналарда фаолият юритди.

ЎзХДП ташкилотлари ташаббуси билан

Шунингдек, Шухрат Эргашев Олмазор туманидаги «Себзор», Юнусобод туманидаги «Шахристон» маҳалла фуқаролар йиғинида кўп йиллар раислик қилди.

Бугун умр йўлдоши Нафиса ая билан 3 фарзанд, 7 набира 5 нафар эвара ардоғида кексалик гаштини сурмоқда.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан Юнусобод туманидаги 53-оилавий поликлиника бош шифокори, ходимлари, ЎзХДП Юнусобод туман кенгаши раиси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Нигора Эшметова уларнинг хонадонига йўқлаб боришди.

— Ҳамкасбларим, шогирдларим, партия фаоллари уйимга кириб келганида қувончдан кўзларим ёшланди, — дейди Шухрат Эргашев. — Ёш улғайган сари яқинларинг меҳрига кўпроқ эҳтиёж сезаркансан. Кексаларни эъзозлаш, уларни қўллаб-қувватлаш каби халқимизнинг эзгу аъёнлари абадий бўлсин.

Шу кун партия фаоллари, депутатлар тумандаги яна бошқа фахрийларнинг ҳам ҳолидан хабар олишди.

Гулрух ОДАШБОВА

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Фуқаролик суди фаолиятида

электрон ҳужжат алмашинуви кенг йўлга қўйилиши белгиланмоқда



Алия Юнусова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:



Бунёд Эшонқулов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Замон ривожлангани сари ахборот-коммуникация технологияларига бўлган талаб ва эҳтиёж ҳам ортиб бормоқда. Бу бевосита судлар фаолиятига ҳам тааллуқлидир. Чунки тизимга ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш фуқароларга хизмат кўрсатиш сифати ошишига, судларда иш юритиш самарадорлиги кучайишига хизмат қилади. Аммо амалдаги қонунчилигимизда судлар фаолиятида замонавий электрон воситалардан фойдаланишга оид меъёрлар мав-

— Қонун лойиҳаси билан Фуқаролик процессуал кодексининг қатор моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар судга электрон кўринишда муҳожаат этиш, суд қақирув қозғоши, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни шу йўсинда юбориш билан боғлиқ масалаларни назарда тутмоқда. Суд ишида тезкорлиқни ошириш алоҳида аҳамиятга эга, деб ўйлайман. Бу бевосита партиямиз дастурий мақсадларига ҳам ҳамоҳанг масала. Чунки Фуқаролик процессуал кодексида киритилган ўзгариш ва қўшимчалар аҳоли, хусусан, электротартибимизнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилинишига кенг йўл очади.

жуд эмас эди. Шундан келиб чиқиб, қонун лойиҳасида фуқаролик ишлари бўйича судга электрон шаклда муҳожаат қилиш имкони ҳамда суд қақирув қозғошлари, суд қарорлари ва бошқа ҳужжатларни электрон шаклда юборишни назарда тутувчи қатор ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тақлиф этилмоқда.

Бу эса ўз навбатида судлар фаолиятида очкичлик ва ошқоралиқни таъминлаш, ахборот алмашинуви механизмларини такомиллаштиришда муҳим омил бўлади.

Бундан ташқари, фракция йиғилишида «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳомадан ўтказилди.

Қонун лойиҳаси орқали Ўзбекистон Республикасининг **Ҳаво кодекси, Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси ва яна бир қатор қонунларга ўзгариш** киритилиб, янги меъёрий талаблар билан тўлдирилмоқда. Айрим нормалар эса қонунчиликдан чиқарилмоқда.



Акмал Умаралиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳаси орқали қатор қонунларга киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бевосита электротартибимиз манфаатларига дахлдор масалаларни ҳам ўз ичига олган. Масалан, «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонунга вилоят, туман, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим ва долзарб масалалари бўйича ҳокимнинг ҳисоботини халқ депутатлари Кенгашида эшитиш тўғрисидаги меъёр киритилмоқда. Ҳокимларнинг ҳисоботлари эшитилиши тартиби белгиланиши депутатлик ва жамоатчилик назорати янада кучайишида, ҳудудларда учраётган ижтимоий масалаларга ўз вақтида ечим топилишида муҳим аҳамият касб этади.

Фракция йиғилишида бошқа қонун ҳужжатлари ҳам қўриб чиқилиб, маъқулланди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида қонун лойиҳалари бўйича фракциянинг нуктаи-назари шакллантирилди.

Лазизо ШЕРОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

КЕКСАЛАР ЭЪЗОЗДА

■ Эл-юрт тинчлиги, осойишталиги, эрки ва озодлиги учун курашган инсонлар ҳақида халқимиз ардоғидадир. Жанг майдонларида жонини фидо қилган боболаримиз, хотирасини абадийлаштириш, сабр-бардош билан катта қийинчиликларни енгиб ўтган момоларимизни шарафлаш, уларга ғамхўрлик ва эътибор кўрсатиш мустақиллик йилларида янгича маъно-мазмун билан бойийди.

Инсонни хотирлаш ва қадрлаш — эзгу фазилат

Хотира, қадр тушунчалари азал-азалдан халқимиз қалбидан чуқур жой олган, маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган. Бу — ёшларни ватанпарварлик, меҳнат-севарлик, аждодлар аъёнларидан фахрланиш, уларга муносиб ворислар бўлиш руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга.

Жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили» деб номланиши ЎзХДП ташкилотлари зиммасига ҳам улкан масъулият юклади. Партиямиз Сайловолди дастурида кексаларимизни, хусусан, имконияти чекланган фуқароларни, ёлғиз кексаларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, уларнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда ҳурмат-эътиборини жойига қўйиш вазифалари ўрин олган. Ушбу масалаларда партиямиз тизимда муайян ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларида бюджетдан ташқари моддий ёрдам жамғармаларини шакллантириш бўйича ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш масалалари ўрганилмоқда. Бу йўналишдаги фаолиятимиз Давлат дастурида белгиланган вазифалар билан ҳам-оҳангдир.

Хотира ва қадрлаш куни муносабати билан партиямизнинг дастурий мақсад ва ғояларига асосланиб, турли лойиҳалар амалга оширилмоқда. Хусусан, Марказий Кенгаш томонидан «Инсон қадри улуг, хотираси муқаддас» шиори остида 10 кунлик (1 майдан 10 майгача) тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Бундан қўзланган асосий мақсад кексаларимизни эъзозлаш, уруш қатнашчилари ва фронт ортида меҳнат қилган инсонларнинг ҳолидан хабар олиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдан иборат.

Ушбу лойиҳа асосида ЎзХДП ташкилотлари мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийлари ҳамда нурунийларга бир пие-ла чой устида, ҳомий ташкилотлар кўмағида совға-саломлар улаштириб, эхтиром кўрсатилди. Қўллаб-қувватлашда бориб, нуруний кишилар ҳолидан хабар олинди. Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларида «Кеча ким эдику, бугун ким бўлди» мавзусида икки авлод учрашувлари ўтказилди. Бундан ташқари, жойлардаги қабристон ва зиёратгоҳларини ободонлаштириш, қўқаламзорлаштириш ишларида партия аъзолари фаол иштирок этишди.

Айниқса, «Кексаларимиз ёшлар эъзози ва эътиборида» шиори остида ўтган тадбирлар минтақавий партия ташкилотлари масъулари, «Истиқбол» ёшлар, «Фаол аёллар» қанотлари вакиллари, депутатлар иштирокида кўтаринки руҳда ташкил этилди. 10 кунлик доирасида шу мавзуда 30 дан ортиқ ва «Кексаларимизнинг фаровон ҳаёти учун масъулмиз!» шиори остида 150 га яқин тадбир, давра суҳбат ва учрашувлар ўтказилди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ҳамюртларимизнинг ёши улуг инсонларга бўлган эхтироми юксак экани яна бир бор намоён бўлди.

Учрашувлар давомида отахону онахонларимиз ўзларининг босиб ўтган ҳаёт йўллари ва унда дуч келинган қийинчиликлар, суронли кунлар ҳақида сўзлаб беришди. Суҳбатларда тинчликни асраб-авайлаш, бугунги кунимизга шукроналик ҳиссини ёшларга сингдириш, уларда ватанпарварлик туйғусини кучайтиришга эътибор қаратилди.

Тадбирлар доирасида Мотамсаро она хайкали пойига гуллар қўйилар экан, тинчлигимиз абадий, мустақиллигимиз барқарор бўлиши ният қилинди. Шу юртда истиқомат қилаётган ҳар бир фуқаро тинчлик ва осойишталикнинг қадрига етиши, уни асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўйиши кераклиги айтиб ўтилди. Бу каби тадбирлар ёшларни турли ёт ғоя ва оқимлар таъсиридан сақлаш, улар ҳаётда ўз ўрнини топиши учун тўғри йўл кўрсатишда катта аҳамиятга эга.

Дарҳақиқат, аждодларимиз орзу қилган шукрули кунларнинг қимматини чуқур ҳис этиш, асрлар давомида шаклланиб келган қадриятларни қадрлаш ҳар бир ўғил-қизнинг бурчидир. Юртимиз ва унинг атрофида, халқаро майдонда юз бераётган воқеаларни чуқур таҳлил этиб, ҳолис баҳолаб, улардан тўғри хулоса чиқариб бормоғимиз лозим.

Абдор ҚУРБОНОВ, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши сектор мудир.



■ ЎзХДПнинг АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИДАН БИРИ КАМ ТАЪМИНЛАНГАН АҲОЛИ ҚАТЛАМИ, БИРИНЧИ НАВБАТДА, НОГИРОН ВА ЁЛҒИЗ КЕКСАЛАРГА МОДДИЙ ЁРДАМ БЕРИШ ИМКОНиятларини кенгайтиришдан иборатдир.



■ ЎзХДП ДЕПУТАТЛИК БИРЛАШМАЛАРИ УРУШ ВА МЕҲНАТ ФАХРИЙЛАРИНИНГ МАНФААТЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ҲУЖУМАТЛАРИ ИЖРОСИ УСТИДАН ИЗЧИЛ НАЗОРАТ ЎРНАТАДИ.

Агарки миллат ўз келажагини кўрмоқчи бўлса,
унинг хотираси ҳамisha уйғоқ бўлиши лозим...

O'ZBEKISTON OVOZI

2015-yil 10-may. Yakshanba
53-54 (31.957)-son
www.uzbekistonovozi.uz

3

Уруш қаҳрамонлари

(Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига)

Қисмат йиллар тошин термоқда бу кун,
Бағримни бир армон ёрмоқда бу кун.
Шафқатсиз ўтмоқда умр, фасллар,
Сафингиз камайиб бормоқда бу кун,
Фахрийлар, ўзбегим отахонлари!

Кўзингиз нурлари камайса, магар,
Ўзим нур бўлайин қароғингизга.
Мадор кетса қўлу оёгингиздан,
Мен айланай қўлтиқтаёгингизга.

Узоқ ўлкаларда, ўт-олов ичра,
Кўксингиз ўқларга этганда қалқон,
Айтгансиз, «чекманг орта турибти —
Муқаддас юртимиз — жон Ўзбекистон».

Сизнинг қаршингизга эгилмоқ даркор,
Токи азиз бошлар ерга теккунча.
Сизга жонлар фидо, сизга жон нисор,
Сизни улуглаймиш умр етгунча.

Сиз ёшларга бардош, ибрат мактаби,
Сиз ҳаёт боғбони — ҳикмат арбоби.
Ватанни севмакни сиздан ўргансин,
Буюк келажаkning тўнғин авлоди.

Сиз юрган йўлларда боғлар кўқарар,
Сиздан обод, озод бир Ватан қолар.
Сиздек қаҳрамонинг кўкка кўтариб,
Ўзбекистон отли бир чаман қолар,
Ўзбекнинг табаррук отахонлари.
Жонметин, жонфидо онахонлари!..

Шамсиддин САДОЙИ

ЖАСОРАТ, БУРЧ, МАТОНАТ



Санжар ШОТЎЛАГАНОВ олган сурат.

■ Ўша пайтда санъаткорлар борган полк,
дивизияда байрам бўлиб кетарди. Доира
санъатининг моҳир устаси Фафур Азимов ана
шундай концертларнинг кўпида иштирок этган
эди. Украина фронтидаги навбатдаги концерт-
лардан бирида Фафур Азимов ҳарбий қисм
разведкасида хизмат қилаётган Ойшахон де-
ган ўзбек қизини учратиш қолди. Ўша ернинг
ўзида унга атаб кўшиқ тўқиб, куй басталаб,
«Гўзал жангчи Ойшахон» деган кўшиқни ижро
қилиб беради.



Суратда: чапдан биринчи машҳур доирачи Фафур Азимов.

Иккинчи жаҳон урушида
қозонилган ғалабада санъ-
аткорларнинг, хусусан,
ўзбек куй-кўшиқларининг
ҳам муносиб ҳиссаси бор,
десак, асло муволафа бўл-
майди. Бунга кўплаб ми-
соллар келтириш мумкин.

Урушнинг дастлабки
йилдан охиригача ўзбеки-
стонлик санъаткорлар турли
фронтида бўлиб, жангчи-
лар кўнглини кўтаришган,
уларни ғалабага руҳланти-
ришган. Бир мисол. 1945
йили санъаткорларимиз

Ғалабага ундаган оҳанглар

2-Белоруссия фронтига йўл
олади. Фронт қўшини 3-Бе-
лоруссия аскарлари билан
биргаликда шарқий Пруссия-
да фашистларга қарши жанг
қилмоқда эди. Шунга қара-
май, санъаткорлар юздан
ортиқ концерт ташкил қила-
ди.

Бир ўрмонда кечаси гул-
хан атрофида концерт қўйи-
шга тўғри келиб қолади. Санъ-
аткорлар қаршисида яқинда-
гина ажал майдонидан, ўлим
ўқонидан чиқиб келган жанг-
чилар ўтиришарди. Фафур
Азимов уларнинг ўзларига
қизиқсиниб қараб туришгани-
ни кўриб, қўлига доирани
олади, уни осмонга ҳавола-
тиб, иргитиб юборди-да,
илиб олиб, «Андижон полка»-
сини чала кетади. Чалганда
ҳам вужудларни ларзага кел-
тириб чалади. Жангчилар
ўринларидан туриб, гурсил-
латиб ўйинга тушиб кетиша-
ди.

Фафур Азимов кунча куч
қўшилгандай ҳаракатлар,
юз-кўздан оқаётган тер
қўйлагини жиққа ҳўл қилиб
юборган бўлса-да, бармоқла-
ри доира пардаларини ёриб
юборадигандай садо тара-
тарди.

Ўша кечаси концерт узоқ

давом этди. Жанг майдони-
даги даҳшатлар унутилган,
ҳамма шод-хуррам эди. Кон-
цертдан кейин бир аскар
Фафур аканинг ёнига келади.

— Оғайни, доиранинг
овози зўр экан, биз фашист-
ларга тўплардан ўқ отаётга-
нимизда доирани чалиб
турсанг борми, ҳаммасини
битта қолмай тирқиратамиз,
— деди у санъаткорни бағ-
рига босиб.

Уруш йилларида Ўзбеки-
стондан жуда кўплаб санъат-
корлар жанг майдонларида
бўлиб, ўз кўшиқлари билан
аскарларни ғалабага руҳлан-
тирганлар. Ўзбекистон халқ
артисти Раҳим Исоҳўжаев,
Ўзбекистонда хизмат кўрсат-
ган артист Фафур Солихов,
Мирзатоп Тиллаев, Убайдул-
ла Хўжаев ва бошқалар ана
шунлар сафида бўлиб, Иккин-
чи жаҳон уруши ўчоқларида
ўз маҳоратлари, майдонда
овозлари билан ғалабага му-
носиб ҳиссаларини қўшди-
лар.

Дилмурод ИСЛОМОВ,
Ўзбекистон давлат санъат
ва маданият институти
катта ўқитувчиси.

СОҒ ҚОЛГАНИМ — ТАҚДИР СИЙЛОВИ

■ Самарқанднинг Туркман қишлоғида 96 ба-
ҳорни қаршилаган Бозор бобо Муродовдан ёши
улуғи йўқ. У 1939 йилда Самарқанд педагогика
техникумини битириб, ҳарбий хизматга чақирил-
ди ва хизматни тугатар-туғатмас Иккинчи жаҳон
уруши бошланиб, фронтга сафарбар қилинди. На-
сибаси бутун экан, 1946 йилда қадрдон қишло-
ғига қайтиб келди.

— 1939 йилда қишлоқдошларим Сувоқкул Бойназаров,
Шермадат Имомов, Аҳмад Назаровлар билан бирга Укра-
иннинг Львов шаҳрига хизматга
жўнатишди, — дейди отахон. —
Мен артиллерия полкига туш-
дим. Ҳар битта тўпни олтидан
от тортти юрар эди. Финляндия,
Бессарабия, Молдавияда қисми-
миз билан хизмат қилдик.

— Уруш ҳақидаги ҳабарни
қаерда, қандай ҳолатда эшит-
гансиз, — сўрайман ундан.
— 1941 йилнинг ёз кунлари-
дан бирида бизларни тревога
билан оёққа тургазиб, фашист-
лар уруш эълон қилганлигини
айтишди. Уч кеча-ю уч кундуз
йўл юриб, Украинага қайтдик.
Тонг саҳарда қарасак, тўп ва
снарядлар ортлган техникалар-
ни тракторлар тортди боряпти.
Биз тўпла-тўғри фронтнинг ол-
динги чизигига тушибмиз.

Қаршимизда тиш-тирноғига-
ча қуролланган фашист армия-
сига дуч келдик. Ҳали техника-
ларимизни фронт чизиги
бўйлаб ёйиб улғурмасимиздан,
осмонда фашистларнинг учта
«Мессершмидт»и пайдо бўлиб,

бошимизга тинимсиз снаряд
ёғдира бошлади. Рўпарамиздан
артиллерия ўққа тутяпти. Ҳали-
гача кўз ўнгимдан кетмайди, ко-
мандиримизнинг оёғи остига
келиб тушган снаряд уни тил-
ка-пора қилиб ташлади. Хуллас,
ўша жангда бутун бошли полк-
дан тўрт киши — қозоқ, рус,
украин ва мен тирик қолдик. Ук-
раин йигити бу жойларни яхши
билар экан, қишлоқ қабристо-
нига бориб яшириндик.

Қушовда қолдик. Тўртовим-
изда биттадан карабин мил-
тик, тунда қабристондан чиқиб,
жануб томонга юрдик. Биз яши-
риниб ўтган қишлоқларнинг ҳам-
масини немислар босиб олган,
кундузи юриш хавфи эди. Шу
тариқа тўрт кеча-кундузда ўзи-
мизникиларга қўшилиб олдик.

1942 йилда Львов, Харьков,
Белоцерковқа қишлоқларини
озод қилиш учун бўлган жанг-
ларда қатнашдик. 1943 йилдан
фашистлар чекина бошлади.
Улар чекиниш асносида Дон-
бассдаги кўмир шахталарига
сув қўйиб юборишган экан.
Бизга шахталарни қўриқлаш ва
сувдан тозалаш ҳақида топиш-

рик берилди. Шу тариқа 1946
йилгача Донбасс кўмир конини
қайта ишга тушириш билан шу-
ғулландик.

— Демак, урушдан кейин
ҳам хизматни давом эттир-
ган экансиз-да!

— Ҳа, ҳарбий мутахассис си-
фатида Донбассда менга уй-
жой беришди, озиқ-овқат таъ-
минотига қўйишди, ойлик маош
билан таъминлашди. Лекин уйга
бир ой мuddатлик таътилга бор-
ганимда ота-онам кўярда-
қўймай уйлантириб қўйишди.
Мана, шунга ҳам етмиш йил
бўлибди. — Отахон қулади. —
Авалло, ризқ-насиба, қолавер-
са, бу менга тақдир сийловиди
бўлди. Шунинг учун умрим да-
вомида берган ризқ-рўзига шу-
кур қилдим, меҳнатни қанда
қилмадим. Ҳозир невараче-
вара, эвараларим 86 тадан зиёд,
уларнинг баъзи бирларини

Биз ўз юртимиз-
дан узоқда жанг
қилган бўлсак
ҳам, Ўзбекистон
тинчлигини, унинг
келажагини ҳимоя
қилганимиз. Ҳар
бир жангга кира-
ётиб, оиламизни
қишлоғимизни,
Ўзбекистонимизни
ўйлаганимиз.



танимайман ҳам, жонларни
омон, умрлари узоқ бўлсин,
уруш кўрмасинлар, дейман!

Биз ўз юртимиздан узоқда
жанг қилган бўлсак ҳам, Ўзе-
бекистон тинчлигини, унинг кела-
жагини ҳимоя қилганимиз. Ҳар
бир жангга кираётиб, оиламиз-
ни қишлоғимизни, Ўзбекистони-
мизни ўйлаганимиз.

Президентимиз айтганидай,
бугунги осойишта ҳаётимиз,
фаровон турмушимиз учун
минг-минглаб юртдошларимиз
ширин жонларини қурбон қил-
дилар.

Сўхбатимиз сўнгига Бозор
бобо Президентимизнинг «1941-
1945 йиллардаги уруш ва меҳ-
нат фронти фахрийларини иж-
тимоий қўллаб-қувватлашни
янада кучайтириш чора-тадбир-
лари тўғрисида»ги ҳамда «1941-
1945 йиллардаги уруш қатнаш-
чиларини рағбатлантириш

тўғрисида»ги Фармонлари, «Ик-
кинчи жаҳон урушидаги Ғалаба-
нинг 70 йиллиги» эсдалик юби-
лей медалининг топширилиши
тўғрисида мамнун бўлиб гапир-
ди.

Шунингдек, Хотира ва қадр-
лаш куни муносабати билан
қишлоқ марказида урушда
халок бўлганлар хотираси учун
Мотамсаро она ҳайкали янги-
дан бунёд этилганлиги, байрам
куни бевақт умри хазон бўлган
қишлоқдошларини ёд этиб, ҳай-
кал пойига албатта неварала-
ри билан гуллар қўйиш нияти
борлигини билдирди.

— Бундай чора-тадбирлар
Иккинчи жаҳон уруши ва меҳ-
нат фронти қатнашчиларига
кўрсатилган эҳтиромдир, —
деди отахон.

Ботир МУҲАММАДИЕВ,
журналист.

■ Пойтахтимиздаги Хотира майдони
ёнидан ҳар гал ўтганимда ҳаяжонлана-
ман, кўнгилдан кўпдан-кўп фикрлар
ўтади...

Бу майдондан шунчаки ўтиб бўлмайди

Бу гал бу ерга Хотира ва қадрлаш кунига бағиш-
ланган мақола тайёрлагани келдим. Эзгулик аркаси
орқали майдонга кириб бораётиб, аввало унинг тепа-
сида турган турналар эътиборимни тортди. Турналар
тинчлик ва осойишталик тимсоли. Уларга қарашингиз
билан кўнглингиз хотиржам тартади...

Муштира, мушфиқ она зотиға, жоннисор ўзбек
аёлиға эҳтиром рамзи бўлган Мотамсаро она ҳайкали
томон борарканман, кекса бир онахоннинг ҳайкал
пойида тиз чўкиб тургани юрагимни қалқитиб юбор-
ди. Бироз кузатдим. Ёнига бориб ўзимни таништир-
дим.

— Ҳар йили Хотира ва қадрлаш куни олдида бу
ерга қизим, неварам билан келаман. Иккита поччам
урушда халок бўлган. Зияев Муҳиддинхон, Раҳмонов
Абдулазизхон, исмлари бу ерда ёзилган. Уларнинг
ҳақиқига дуо қиламан. Бу дорилонмон кўнларга етказга-
нига шуқурлар айтаман. Фарзандларимга, неварала-
римга бу тинч ва осуда ҳаётимизнинг, қут-баракати
кўнларнинг қадрига етинглар, дейман. Бу ерга келган
ҳар бир инсон — ёшми, қарими, муқаддас даргоҳга
қадам қўётганини билсин, бу ерга шунчаки келиб
бўлмайди, болам.

Бу онахон кўқонлик 90 ёшли Кимёхон Аъзамова
экан.

9 май — ўтганларни хотир-
лаш ва тирикларни эъзозлаш
куни бу муаззам даргоҳ ул-
кан зиёратгоҳга айланади.
Мангу олов атрофиға кўплаб
гулчамбарлар қўйилади. Ўн
саккиз-йигирма ёшида ши-
рин орзу-умидлари билан
мангу қолиб кетган ватан-
дошларимиз шарафига дуо-
лар қилинади.

— Мен Наманган шаҳрида яшайман. Тўхтабоева
Дилбархонман. Ёшим 78 да. Асли тошкентликман, —
дея сўхбатга қўшилади зиёратга келган яна бир она-
хон. — Украина фронтида қатнашган Абдуллажон
Йўлдошевнинг қизиман. Отам фронтга кетганда у на-
фар фарзанд онам билан қолганмиз. Тошкентга ҳар
гал келганимда албатта бу ерда бўламан. Кўнглим
нимаданир таскин топади. Бу ердаги улғурлик, со-
кинлик кишига руҳий ором, фароғат бағишлайди. Май-
дон бир маҳаллар бетон билан қопланган, фойсиз
бир жой эди. Мана бу яшнаб, барқ уриб турган ям-
яшил кўкаламзорлар, гуллар, манзарали дарахтларни
кўриб, нафақат кўзинг қувонади, дилинг яйраб, ёша-
риб кетгандек бўласан. Илоҳим, юртимизга кўз тегма-
син, тинчлигимиз, осойишталигимиз тоабд бўлсин.

Тешаева Шаҳринисохон ая, 83 ёшда. Андижон ви-
лояти, Жалолқудук туман, Ёрқинлоқ қишлоғидан.

— Саккиз кун бўлди Тошкентга келганимга. Нева-
рам билан айланиб юрибман, — дейди у. — Тошкент
жуда ҳам ўзгариб кетибди. Мен бу азиз даргоҳни
зиёрат қилгани келдим. Ўтганларнинг ҳақиқига дуолар
қилдим. Аллоҳ қандай омон-омон кўнларга етказди.
Мен ёшлигимда колхозда ишлаганман. Бир бурда нон
топиш амримаҳол эди. Невараларим, эвараларимга
айтаман, бу давроннинг қадрига етинглар, бобола-
рингиз бундай замонни тушида ҳам кўрмаган, дей-
ман.

Амирхон Абдирашидов, 19 ёшда.

— Мен бу ерга бувим билан келдим, — дейди у. —
Мустақиллик майдони — менга ибрат мактаби. «Хоти-
ра китоби»ни варақлаган кишининг кўз ўнгига уруш
даҳшатлари намоён бўлади. Қанчалаб боболаримиз
бу осойишта, фаровон кўнларга етиб келолмади, улар
босиб ўтган йўл биз, ёшларга ҳамisha жасорат ва
матонатдан сабоқ беради.

... 9 май — ўтганларни хотирлаш ва тирикларни
эъзозлаш куни бу муаззам даргоҳ улкан зиёратгоҳга
айланади. Мангу олов атрофиға кўплаб гулчамбарлар
қўйилади. Ўн саккиз-йигирма ёшида навқирон орзу-
умидлари билан мангу қолиб кетган ватандошлари-
миз шарафига дуолар қилинади. Улар тишлаб кетган
кулча нонларни, севиқли ёрларига айтган «кўришгун-
ча» деган сўзларини абадга олиб кетдилар. Улар шу
ёруғ кўнларни деб, жон бердилар. Лекин Ватани ас-
раб қолдилар...

Ўзгача бир руҳиятда бу азиз гўшадан қайтаркан-
ман, Ўртбосимизнинг ушбу сўзлари ёдга тушади:

Агарки миллат ўз келажагини кўрмоқчи бўлса,
унинг хотираси ҳамisha уйғоқ бўлиши лозим...

Ҳа, бу ерга шунчаки келиб бўлмайди, шунчаки бу
ердан ўтиб бўлмайди. Бу ердан руҳинг покланиб, муд-
роқ ҳисларинг уйғониб чиқиб кетасан...

Озода БЕКМУРОДОВА,
«Ўзбекистон овози»
муҳбири.

БЕ-ЎЗБЕКИСТОННИНГ БИР КИШИ ВА ОЗБОЛГИ БАХТУ САДОТИ УШУН НАТОНИ ҚИЛГАН ВАТАНДОШЛАРИНИ ХОТИРАСИ ҲАМИША БАҚЛАЙДИР.
ВЕЧНО ЖИВА ПАМЯТЬ НАШИХ СООТЕЧЕСТВЕННИКОВ, ОТАВШУХ СВОИ ЖИЗНИ ЗА СВОБОДУ И НЕЗАВИСИМОСТЬ, СЧАСТЬЕ НАШЕГО НАРОДА И СТРАНЫ.

ХОТИРА МУҚАДДАС, ХОТИРА АЗИЗ

Тошкент нон шаҳри бўлган, болам...



Санжар ШОТЛАГАНОВ олган сурат.

■ Иккинчи жаҳон уруши жафоларини кўрган, бизнинг бахтимиз учун жон фидо қилган азиз инсонлар олдида таъзим қиламиз. Бугун биз урушда қозонилган ғалабанинг 70 йиллик тантаналари арафасида ўтганлар хотираси олдида бош эгамиз, сафимизда ардоқда бўлган инсонларни яна бир бор зиёрат қилиб, уларга таъзим бажо келтираемиз.

Тошкентнинг «Қоратosh» маҳалласида вояга етиб, урушнинг азобларига бардош берган 91 ёшли меҳнат фронти фахрийси Савринисо ая Илёсова бугун кўш фарзанд, 10 нафар невага, 20 нафар эварагининг сеvimли бувижониди. Яқинда Учтепа туман ҳокими Абдуҷамил Досмуҳамедов

бир қанча жамоат ташкилотлари фаоллари билан Савринисо ая ҳонадонига келиб, унга «Иккинчи жаҳон урушидаги Ғалабанинг 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали ва совға-саломларни тантанали равишда топширди.

— Тошкент нон шаҳри бўлган, болам, — дейди онахон уруш йилларини хотирлаб. — Бу муқаддас жойга азалдан шундай дуо кетган. Йўлда очликдан силласи қуриб, йиқилиб қолган бегоналарга ҳам одамлар бир бурда нон топиб беришган.

Урушдан олдинги йиллар жуда қаҳатчилик даври бўлган. Эсимда, онам раҳматли бизларни боқаман деб, Эски Жўвага тушиб, ҳамма тилла тақинчоқларини озиқ-овқатга алмаштириб келган. Тиричилик оғир эди. Мен ўн беш ёшимда трикотаж фабрикасида ишга кирдим. Онам касал бўлиб қолди, оилани боқиб менинг зиммамга тушди.

Уруш даврида фронтдаги аскарлар учун пахтали шим, фуфайка, қалин камзуллар тикарди. Уларни вагонларга юклаб, жангчиларга юборардик.

Ҳеч эсимдан чиқмайди, Бешёғочда харбий госпиталь бор эди, кундузи фронт учун кийим тикамиз, кечқурун госпиталга бориб, ярадор аскарларга қараймиз. Ҳар куни ишдан қайтаётганимизда олти юз грамм нон оламиз.

Кўчада кетаётганимизда бир бола ҳолсизланиб йиқилди. Чопиб бориб, ўрнидан турғизиб, уст-бошларини қокдик. Очлик ёмон-да, ҳаммамиз кўлига бир бурдадан нон тутқаздик. Онаси уйда касал ётган экан. У бизга миннатдорчилик билдириб кетди. Одамнинг бегонаси бўлмайди-да, айланай...

Савринисо Илёсова уруш тугаганидан кейин 1949 йилда Ақром ака билан турмуш қурди, орадан кўп ўтмай Ақром ака тўсатдан бегона бўлиб, вафот этди. Ёлғиз кўл билан оилани тебратиш, фарзандларни қатта қилиш яна Савринисо аянинг зиммасига тушди.

— Худога минг қатла шукур, болаларим бировдан кам бўлмади, ўқитдим, қизимни турмушга бериб, ўғлимни ўйлантирдим. 1990 йилда, 66 ёшимда энди бўлди, пенсияга

чиқаман, дедим. Керак эмас, деганимга қарамай, ишхона раҳбарияти юбилейимни қилиб, пенсияга тантана билан кузатишди.

Меҳнат фронти қатнашчиси сифатида бизларга кўрсатилаётган меҳр-муруватлардан, берилган имтиёзлардан хурсанд бўламан. Қани энди, илгариги ёшлик ғайратим бўлса-ю, ёшлар сафида туриб, мустақил юртимиз истиқболи учун меҳнат қилсам, дейман. Лекин мана, фарзандларимиз, невага-эвараларимиз юрт тинчлиги, эл фаровонлиги учун меҳнат қилишяпти, бизнинг иззат-хурматимизни жойига қўйишяпти.

— Президентимизга минг раҳмат, — дейди Савринисо ая суҳбатимиз якунида. — Мустақиллик, бундай фаровон ҳаёт тушимизга ҳам кирмаганди. Ризқим улғу экан, шу кунларни кўриш менга насиб қилди. Бугунги осойишта турмушда, тўкинчилик замонида шукроналик билан яшаш керак...

Нуруллоҳ ДОСТОН ёзиб олди.

ТАДБИР

Инсон баъзан тушқунликка тушиб, ташвишлардан чарчаган пайтларида биргина ёши улғу кишининг насиҳати, мазмунли суҳбати унинг ҳаётини ўзгартириб юборади. Шу боис жангҳоқлардан омон қайтган кексаларимиз оғир кунларни эслаганда, бугунги тинчлик ва осойишталикнинг қадрини янада теранроқ англаймиз. Уларнинг осуда ҳаётга, фаровон турмушимизга қўшган хиссаси ёш авлод учун ибрат мактабидир.

КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ — УЛУҒ ҚАДРИЯТ

Тошкент ислом университетидида ўтказилган тадбирда Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, талаба-ёшлар ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди. — Бугунги тинч ва осойишта кунлар улғу неъматлиги ҳақида сўзлаганимда, ёшларнинг кўзларидида ҳаяжон кўрдим, — дейди уруш қатнашчиси, профессор Абдулла Аюбов. — Уларнинг нигоҳида тийрақлик, шижоат акс этиб турганидан беҳад қувондим.

— Ёши улғу инсонларга алоҳида ҳурмат-иззат кўрсатиш қонимизда бор, — дейди Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов. — Бу фазилат турмушимизни беэзаб турибди. Бирор жиддий масалада кексаларимиз билан маслаҳатлашиб, улардан дуо олиб иш бошлашдек гўзал одатлар авлоддан-авлодга ўтиб келади, ёшларимизни руҳан поклаб боради.

Мен уруш бошланган пайтда 11 ёшда эдим, лекин ниҳоятда оғир кунларнинг гувоҳи бўлганман. Бир бурда нон топиш машаққат эди. Уруш, очлик, юпунлик одамлар бошига кўп қулфатлар солди. Халқимизнинг бағрикенглиги туфайли бундай оғир кунлар енгил ўтди.

— Бугунги учрашув узок вақт ёдимда қолади, — дейди тарих факультети 3-курс талабаси Шаҳзод Ҳотамов. — Уруш қатнашчиси бўлган кексаларимизнинг ҳикояларидан қаттиқ таъсирландим. Тинчлик нима экани, Ватан қадрини янада чуқурроқ англадим. Ҳаётнинг аччиқ-чучугини кўрган, бугунгидай фаровон ҳаётни яратишга умрини бағишлаган кексаларимиз, устозларимиздан қарздор эканимизни ҳис этдим.

Тадбир якунида Тошкент ислом университети Исламшунослик илмий-тадқиқот маркази ходимлари томонидан чоп этирилган «Исламда кексалар қадри» номли рисолининг тақдими бўлиб ўтди. Шундан сўнг уруш қатнашчилари ва меҳнат фахрийларига эсдалик совғалари топширилди.

Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Муқаддас хотира

Элим, деб ёв йўлни тўсганлар ҳаққи,
Ғолиблик туғини қўнганлар ҳаққи,
Ватан, деб жонидан кечганлар ҳаққи,
Бу ёруғ кунларнинг қадрига етинг!

Кимдир бу кунларга етолмай кетди,
Бир сулув кўлини тутолмай кетди,
Кимлар юртга фидо қилди жонини —
Ҳатто ўттиздан ҳам ўтолмай кетди.

Чўққини забт этар парвозда лочин,
Мажнунтол ёйибди паришон сочин,
Мардларни унутмас бу замин, очун
Бу ёруғ кунларнинг қадрига етинг!

Хотира — муқаддас, хотира — азиз,
Аждодлар руҳини унутманг ҳаргиз,
Биздан оёзд Ватан, қолсин ўғил-қиз
Бу ёруғ кунларнинг қадрига етинг!

Закрилла НЕМАТ



МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИДА

ҚЎРИҚЛАШ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ...

■ ИИВ «Қўриқлаш» республика бирлашмаси томонидан замонавий интеграцияланган комплекс хавфсизлик тизими ёрдамида турли мулкчилик шаклидаги қўриқланадиган объектлар хавфсизлигини таъминлашга бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

— Республика ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлиналари бугунги кунда ички ишлар вазирлиги тизимидаги энг йирик хизматлардан бири ҳисобланади. Хизмат ўз фаолиятини тўлиқ ҳўжаллик ҳисобида юритади, — деди ИИВ «Қўриқлаш» бирлашмаси бошлиги Т.Наджимов. — Моддий-товар бойликлари қўриқлаш ва химоя қилиш хизматининг бир неча турлари орқали амалга оширилади. Хусусан, техник қўриқлаш, милиция постлари орқали қўриқлаш, милиция йўналишлари орқали қўриқлаш, харбийлаштирилган соқилик бўлиналари орқали қўриқлаш, қоровул бўлиналари орқали қўриқлаш.

Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 24 январдаги «Ўзбекистон Республикасида қўриқлаш фаолияти билан шуғулланишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 16-сон қароридан кейин қўриқлаш хизмати зиммасига юклатилган вазифалар доираси янада кенгайди. Айниқса, техник қўриқлаш йўналишига алоҳида эътибор қаратиламоқда. Бугунги кунда республика ички ишлар органлари ҳузуридаги қўриқлаш бўлиналарида 172 та техник қўриқлаш пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан жами ўн бир мингдан ортиқ объект ёки жами қўриқдаги объектларнинг 66 фоизи қўриқланади. Бундан ташқари, техник қўриқлаш пунктлари (ТҚП) қўриғида 9 мингдан ортиқ фуқаро хонадонлари ҳам бор.

Шу йилнинг уч ойи давомида бир мингдан ортиқ объект ва бир ярим мингга яқин хонадон янгида ТҚПлар қўриғига олинди. Шу йил қўриқлаш нарядлари томонидан қўриқдаги объект ва хонадонларга нисбатан ўғрилиқ содир этиш учун

қилинган 8 та жиноий тажовузнинг олди олинди. Хозирги кунда Ўзбекистон Республикаси ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш хизмати томонидан халқ ҳўжаллиги иншоотлари ва фуқаролар хонадонлари 1980-90 йилларда ишлаб чиқилган техник қўриқлаш пултилари орқали қўриқланмоқда. Бироқ уларнинг барчаси фойдаланиш муддатини ўтаб, аксарият қисми таъмирга муҳтож бўлиб қолган эди.

Ўрганишлар ва амалга оширилган ишлар натижасида республика бўйича 140 та автоматлаштирилган марказий кузатув ва хабар узатиш тармоғини яратиш режалаштирилди. Булардан 15 таси мониторинг марказини ва 125 таси техник қўриқлаш пунктларини ташкил этади.

Мазкур масалани ҳал этиш мақсадида сўнгги уч йил давомида Тошкент шаҳрида бир қанча хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган қўриқлаш синовдан ўтказилди. Тақриббалар натижасида Ўзбекистон иклимига мос қурилма танлаб олинди. Ушбу қурилма ягона тизим

орқали қўриқлаш-ёнгин, видео, кириш-чиқишни назорат қилиш, ҳаракатдаги автотранспорт мониторинги, радиотўлқин ва объектларни қўриқлаш имконини беради. Дастлаб олти ойга мўлжалланган синов ушбу жиҳозларнинг ишчанлиги, ишончилигини кўрсатди. Мазкур қурилма кўп функцияли ҳисобланиб, ҳам мис симли, ҳам шиша-толали алоқа тармоқларида ишлайди.

Ўрганишлар ва амалга оширилган ишлар натижасида республика бўйича 140 та автоматлаштирилган марказий кузатув ва хабар узатиш тармоғини яратиш режалаштирилди. Булардан 15 таси мониторинг марказини ва 125 таси техник қўриқлаш пунктларини ташкил этади.

Қўриқлаш хизматида замонавий технологияларнинг жорий қилиниши қатор қўшимча хизматларни кўрсатиш имконини беради.

Шу ўринда хонадонлар қўриғи масаласига ҳам тўхталиб ўтсак. Бир хонадонни бир ой давомида ТҚП ёрдамида қўриқлаш учун олинди-ган ҳақ ҳозирда 17 277 сўмни ташкил қилади. Ушбу ҳақ хонадон эгаси мулки 379500 сўмга баҳоланганда олинади. Хонадон соҳиби мулки қимматроқ баҳоланадиган бўлса, қўриқлаш ҳаққи ўша сумма-нинг бир фоизи миқдориди белги-ланади. Мулк нархини баҳолашни бир вақтнинг ўзида суғурта сумма-сини белгилаш ҳам, деб қабул қилиш мумкин. Яъни, мулкдор ўз хонадонидидаги мулкни қанча сумма-га баҳоласа, қўриқлаш хизмати айби билан ўғрилиқ содир этилиши йўл қўйган тақдирда мулк баҳоланган суммани тўлиқ ўз ҳисо-бидан тўлайди.

Бир хонадонни сигнализация билан жиҳозлаш (сигнализация жиҳоз-лари, ускуналари ва ўрнатиш хиз-матларини қўшиб ҳисоблаганда) 35000 сўмдан, хонадон эгасининг хоҳишига кўра, ўрнатилган қўриқлаш жиҳозлари туридан келиб чиқиб, ўрнатиш нархи ўзгариши мумкин.

Албатта, бу аниқ сумма эмас, чунки сигнализация воситалари бозори анча кенг.

Хонадон соҳибига қандай шартлар қўйилади? Қўриқлаш қай тарзда амалга оширилади?

Мижозга хонадонини қўриққа топшириш истиаги, уйда телефон алоқаси бўлиш ва хизмат ҳақини ўз вақтида тўлаб туришдан ўзга ҳеч қандай талаб қўйилмайди. Қўриқлаш тартиби оддий — хонадон сигнали-зация орқали ТҚПга уланади. У ерда эса рация, автомашина, шахсий химоя воситалари, табель қуролла-ри билан қуролланган кўлга олиш гуруҳи навбатчилик қилади.

Улар «ташвиш» хабари тушган хонадонга қисқа муддат ичида етиб боради. Наряднинг етиб бориш вақ-ти 3-5 минутдан узоққа чўзилмай-ди. Чунки қўриққа олишда аввалам-бор хонадонга нарядларнинг етиб келиши эътиборга олинади. Шу са-бабли қўриқлаш хизмати томонидан қўриқланаётган хонадонларга тажов-уз бўлганда, деярли барча ҳолат-ларда ўғрилиқнинг олди олинади.

Қўриқлашнинг яна бир хизмати — «ташвиш» тугмачасидан кассалар, банклар, кўнгилочар муассасалар-да самарали фойдаланилмоқда. Шу-нингдек, ўз ҳаёти, соғлиғи, хотир-жамлигини ўйлаган фуқаролар ҳам хизматнинг ушбу туридан фойдала-нади. Хизматнинг бу турида мижоз ўзига керакли вақтда «ташвиш» туг-мачасини босиб орқали милиция нарядини хонадон, дўкон, кўнгилоч-ар муассасага, қисқаси, тугмача қаерга ўрнатилган бўлса, ўша ерга қақариши мумкин. «Ташвиш» тугма-часининг бир соатлик нархи 1207 сўмдан иборат.

Қисқа қилиб айтганда, қўриқлаш хизматида жорий этилаётган замо-навий технологиялар фуқаролар тинчлиги, хотиржамлигини, улар мол-мулки ишонли қўриқланиши-ни таъминлайди.

Равшан ШОДИЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЎҚИНГ, ҚИЗИҚ

Ер шари Кўёшдан тахминан 150 миллион километр масофа-да жойлашган бўлиб, кўёш нури сайёрамиз юзасига 8 лақиқа 19 сонияда етиб келади.




Ўрта ёшли одам танасидаги қон томирларининг умумий узунли-ги тахминан 100 минг километр, юзаси эса ярим гектардан кўпроқдир.



Асаларилар бир дақиқада 11 минг 400 ёки бир сонияда 190 маротаба қанот қоқади.



1963 йил англиялик теннис-чи Майкл Сангстер зарба бер-ган тўп 248 км/соат тезлик би-лан ҳаракатланиб, жаҳон тен-нисида қайд этилган энг қучли зарба бўлди.



ОБ-ҲАВО 10-11.05 — 2015

Юртимиз бўйлаб (°C)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти

+10 / +15 +25 / +30

Бухоро ва Навоий вилоятлари

+13 / +18 +25 / +30

Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари

+15 / +20 +25 / +30

Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари

+15 / +20 +27 / +32

Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари

+15 / +20 +25 / +30

Тошкент шаҳри

+15 / +17 +28 / +30

Дунё бўйлаб (°C)

Лондон +20 / +23

Париж +23 / +28

Москва +21 / +22

Мадрид +31 / +32

Пекин +10 / +21

Канберра +11 / +13

Рим +30 / +28

Афина +26 / +24

Токио +25 / +22

Стокгольм +16 / +17

Кейптаун +23 / +23


Қоҳира +32 / +33

Гавана +33 / +33

Вашингтон +29 / +31



■ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА 151 АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ ВА КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖИНИ РЕКОНСТРУКЦИЯ ҚИЛИШ ВА КАПИТАЛ ТАЪМИРЛАШ, ШУНИНГДЕК, УЛАРНИ ЗАРУР ИНВЕНТАРЛАР БИЛАН ЖИ-ХОЗЛАШ МАҚСАДИДА 36,9 МИЛЛИАРД СЎМЛИК КАПИТАЛ ҚЎЙИЛ-МАЛАР ЎЗЛАШТИРИЛДИ. БУ МЎЛЖАЛЛАНГАН ЙИЛЛИК ҲАЖМНИНГ 27 ФОИЗИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.



■ ШУ ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЧОРАГИДА ИШ ЎЙИЛАРИ ЯРАТИШ ВА АҲОЛИ ФАРОВОНЛИГИНИ ОШИРИШ БЎЙИЧА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЎРТАЧА ИШ ҲАҚИНИНГ 17,1 ФОИЗ, ПЕНСИЯЛАРНИНГ 22,1 ФОИЗГА ОШИШИНИ ТАЪМИНЛАДИ.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

**Уруш ва меҳнат фахрийларини,
азиз отахону онахонларимизни**




май

**— Хотира ва
қадрлаш куни**

билан табриклаймиз!

**Она Ватанга садоқатингиз ҳамда
фидойилигингиз қаршисида
бош эгамиз.**

**Юртимиз осмони ҳамиша
мусаффо, тинчлигимиз барқарор
бўлишини тилаб қоламиз!**



**ФАРҒОНА НЕФТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ
ЖАМОАСИ**



«МУБОРАК ГАЗНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ЗАВОДИ»


унитар шўъба корхонаси жамоаси

барча юртдошларимизни


9 май — Хотира ва қадрлаш кунибилан муборакбод этади. Мамлакатимизда ҳукм
сураётган тинчлик ва осойишталик абадий бўлсин!

«ШЎРТАНГАЗКИМЁ»

МАЖМУАСИ ЖАМОАСИ

**9 МАЙ** — **Хотира ва қадрлаш куни**муносабати билан уруш
қатнашчилари, нуроний отахону
онахонларимиз, муҳтарам
фахрийларимиз ва барча
юртдошларимизни қутлайди.

ҲАМИША СОҒ-ОМОН БЎЛИНГ, АЗИЗЛАР!



МУАССИС:

O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla OROPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Muslihiiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.r — 559
17976
nuxxada
bosildi.
O'za yakuni — 20.35
Topshirilgan vaqti — 22.00

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Bardambek SA'DULLAYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:

Zafar BAKIROV

Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7433



1 2 4 5 6